# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ - КЕЛАЖАГИМИЗ ВА ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

**Хайдарова Дилшода Обиджон қизи**
*Фарғона жамоат саломатлиги.*
*Ёшлар етакчиси*

**Аннотасия:** *Ёш авлод келажаги ҳамиша Oʻзбекистон давлат сиёсатининг марказида боʻлган. Бугун ҳам юртимизда юзага келган муаммоларни бартараф этиш, ёшларнинг камолоти ва тарбиясига ижобий таʼсир қилувчи шарт-шароит яратиш учун барча соҳада кенг коʻламли ислоҳотлар жадаллик билан олиб борилмоқда.*

**Калит сўзлар:** *Ёшлар, келажак, Ўзбекистон, бунёдкорлик, янги имкониятлар.*

# МОЛОДЕЖЬ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА – ОСНОВА НАШЕГО БУДУЩЕГО И ПЕРСПЕКТИВ

**Хайдарова Дилшода Обиджон қизи**
*Фарғона жамоат саломатлиги.*
*Ёшлар етакчиси*

**Аннотатсия**: *Будущее молодого поколения всегда было в центре государственной политики Узбекистана. Уже сегодня быстрыми темпами проводятся широкомасштабные реформы во всех сферах, чтобы устранить проблемы, возникшие в нашей стране, создать условия, положительно влияющие на развитие и воспитание молодежи.*

**Ключевые слова:** *молодежь, будущее, Узбекистан, творчество, новые возможности.*

# YOUNG PEOPLE OF NEW UZBEKISTAN ARE THE FOUNDATION OF OUR FUTURE AND PROSPECTS

**Abstract**: *The future of the young generation has always been at the center of Uzbekistan's state policy. Yeven today, large-scale reforms in all areas are being carried out rapidly in order to eliminate the problems that have arisen in our country, to create conditions that positively affect the development and education of young people.*

**Key words**: *youth, future, Uzbekistan, creativity, new opportunities.*

Ўзбекистон ҳақиқий маʼнода ёшлар мамлакати. Бу юртда улгʻаётган йигʻит-қизларнинг орзулари ва оʻз олдига қоʻйган мақсадлари бисёр. Давлат раҳбарининг ташаббуси ва қоʻллаб-қувватлаши эса уларга бу мақсадларни амалга оширишда коʻмак беради. Президент Шавкат Мирзиёвнинг: “Биз оʻз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улугʻ мақсадни қоʻйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугʻбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таʼлим ва тарбияни ривожлантириш, согʻлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инноватсияларни тараққий эттириш миллий гʻоямизнинг асосий устунлари боʻлиб хизмат қилиши лозим”, соʻзлари ёшлар учун катта марралар сари ёʻл очди.

Ёшларнинг боʻш вақтларини самарали оʻтказиш, уларни аждодларимизнинг бой мероси билан таништириш, она ватанга муҳаббат ва ифтихор туйгʻуларини қарор топтириш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети оʻқитувчилари Қудратулло Абдураимов ва Дилноза Худойбергановалар бошчилигида Бешкапа маҳалласи ёшлари Гʻалаба богʻида жойлашган Шон-шараф музейида боʻлишди. Ёшлар барча даврларда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эʼтироф этиб келинган. Шарқ Уйгʻониш даврида ҳам, жадидлар фаолиятида ҳам, жамиятнинг янгиланишида уларнинг оʻрни беқиёс боʻлган. Шу жиҳатдан мунтазам шаклланиб борувчи бу қатлам доимий ёʻналтириб ва қоʻллаб-қувватлаб туришни талаб этади.

Ёшлар сиёсати боʻйича амалга оширилаётган ислоҳотларни таҳлил эта туриб давлат ва ёшларнинг узвий богʻлиқлигини коʻришимиз мумкин. Ҳар бир ёʻналишда ёшларнинг бандлигини таʼминлаш давом этмоқда. Йигит ва қизларнинг ҳар томонлама камол топишлари, билим олишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Бу эса уларнинг келгусида ватан равнақига ҳисса қоʻшувчи авлод боʻлиб етишишларида аҳамиятлидир.

Ёшлар — ҳар қандай жамиятнинг эртаси. Улар том маʼнода, Оʻзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси ҳисобланади. Зеро, янги Оʻзбекистон ёшлари — келажагимиз ва истиқболимиз пойдеворидир.

Бугун юртимизда уларнинг замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукаммал эгаллаши учун барча куч ва имкониятлар ишга солинаётгани, хусусан, Президент ва ижод мактаблари ташкил этилаётгани замирида катта маʼно мужассам. Ҳозир биз замонавий талаблар асосида жиҳозланган, барча шарт-шароитларга эга оʻқув биноларида таʼлим олаётган ёшларнинг ютуқлари билан ҳақли равишда фахрлана оламиз.

Биргина Тошкент шаҳридаги Президент мактаби оʻқувчиси Фирдавс Абдуқаюмовнинг ИЕЛТС дастури боʻйича юқори балл тоʻплаб, АҚШнинг Жон Керолл университетида таҳсил олиш учун 96 минг долларлик грант соҳибига айлангани ҳам

давлатимиз раҳбари бошчилигида қисқа вақтда та’лим-тарбия соҳасида танлаган ё‘лимизнинг нақадар то‘г‘ри эканлигини яққол исботлаб турибди.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Янги О‘збекистон – мактаб остонасидан, та’лим-тарбия тизимидан бошланади”, деган г‘ояни илгари сургани бежиз эмас. Зотан, юртбошимиз та’кидлаганидек, “Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни ко‘ра олиш фазилатларини ёшларимиздаги г‘айрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, ко‘злаган марраларга албатта етамиз”.

Шу нуқтайи назардан бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Мурожаатномада баён этилган устувор вазифаларнинг ижросини та’минлаш учун фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, ушбу тарихий нутқдан со‘нг, парламент қуйи палатасида Мурожаатнома мазмун-моҳиятига ва аҳамиятига баг‘ишланган бир қатор тадбирлар о‘тказилди.

Куни кеча “Та’лим ва тарбия – ёш авлод камолотининг пойдевори ва давлатимиз тараққиётининг кафолати” мавзусида фракциялараро бо‘либ о‘тган амалий мулоқотда ҳам Мурожаатномада белгилаб берилган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Самимий ва ко‘таринки руҳда о‘тган мулоқотда Мурожаатномадан о‘рин олган вазифалар билан бирга, 2021-йилга мо‘лжалланган Давлат дастури лойиҳасига та’лим тизими тараққиётига хизмат қиладиган бир қатор таклифлар билдирилди. Бу бежиз эмас, албатта. Аёнки, Мурожаатномада белгиланган мақсадларга со‘зсиз эришиш барчамиздан якдиллик ва фаоллик талаб этади.

Нега десангиз, жойларда аҳоли билан учрашувларимиз давомида аксарият мактабларнинг бинолари о‘тган асрнинг о‘рталарида қурилгани, о‘қув-парталари эски, синфхоналар етишмаслигига ко‘п бор гувоҳ бо‘лганмиз. Демак, мамлакатни қудратли қиладиган куч илм-фан, та’лим ва тарбия экан, билим ва ма’навият маскани бо‘лган мактаблар шароитини яхшилаш кечиктириб бо‘лмас вазифа ҳисобланади.

Мурожаатномада мактаб та’лимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислоҳотлар жадал давом эттирилиши айтиб о‘тилди. Табиийки, жорий йилнинг о‘зида 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни та’мирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион со‘млик маблаг‘ ажратилиши минг-минглаб ёшларнинг қалбини то‘лқинлангани аниқ. Бу ё‘налишда бошлаган ишларни давом эттириш мақсадида 2021-йилни мамлакатимизда “Ёшларни қо‘ллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб э’лон қилиниши ёшларнинг салоҳиятини намоён этиш борасидаги са’й-ҳаракатларига янгича куч ва илҳом баг‘ишлади.

ЎзЛиДеП сайловолди дастурида О‘збекистоннинг та’лим ва интеллектуал ривожланиш даражаси бо‘йича дунёда энг юқори рейтингга эга 30 та давлат

қаторидан жой олишини таʼминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Биз бу борада таʼлим тизимида рақобат муҳити шаклланиши учун хусусий секторга кенг ё‘л очишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, соҳада давлат-хусусий шерикчилиги ва хусусий хизматларни жадал ривожлантириш ҳисобидан болалар учун спорт, мусиқа ва санʼат мактаблари қурилишини қо‘ллаб-қувватлаш, айниқса, инглиз тили, информатика, математика ва бошқа талаб юқори бо‘лган фанларни чуқурлаштирилган тарзда о‘ргатиш соҳасида хусусий секторнинг улкан имкониятларини ишга солиш қисқа вақтда албатта, о‘з самарасини беради.

Хулоса қилиб айтганда, агар жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бо‘лсак, уларда жамият ҳаётини о‘згартиришга қаратилган ислоҳотлар аввало, таʼлим тизимидан бошланганини ко‘рамиз. Таʼлим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – мактабдир. Шу жиҳатдан мактаблардаги таʼлим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бо‘лиши лозим.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1.Каримов И. А. Баркамол авлод – Оъзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ нашриёт – мабаа концерни. 1997. -63 б.

2.Каримов И. А. Оъзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: 2011-й.

3.Каримов. И. А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. 1998. 144 бет.

4.Зуфарова М.Е. Умумий психология. –Т.: “Оъзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010й. 304 б.

5.Ибрагимов Х.И., Ёълдошев У.А.,Бобомирзаев Х., Педагогик-психология (оъқув қоълланма). –Т.: “Оъзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2009й. 490 б.

6.Илин Е.П. Мотиватсия и мотивы. СПб,: Питер. 2000. 512с.

7.Ёълдошева Ж.Р. Усмонова С.А., Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. –Т: “Фан ва технология” нашриёти. 2008-йил. 132-бет.

8.Ёълдошев Ж. Ёълдошева Ф. Ёълдошева Г. Интерфаол та'лим сифат кафолати. –Т.: 2008 й. 153 б.